

## КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК

УЎК (УДК, UDC): 81-139  
DOI:10.36078/1565760379

### КЎЧМА МАЪНОЛИ СЎЗЛАРДА КОГНИТИВ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ



**Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ**

PhD

Инглиз тили 1 факультети декани  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[akmal1909@mail.ru](mailto:akmal1909@mail.ru)

#### Аннотация

Мақолада кўчма маънога эга бўлган сўзлар антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Хусусан бу каби маънога эга бўлган сўзларда инсон тафаккурида амалга ошириладиган когнитив жараёнлар концептуал метафора, концептуал метонимия, метафтонимия каби когнитив механизмлар атрофлича таҳлил қилинган. Когнитив механизмлар тилшуносликда нисбатан янги ҳодиса бўлганлиги боис уларга қисқача таъриф берилган. Когнитив механизмларнинг тилда қўлланиш хусусиятлари кўчма маъноли сўзлар мисолида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** концептуал метафора; концептуал метонимия; метафтонимия; когнитив майдон; майдон-манба; майдон-нишон.

### РОЛЬ КОГНИТИВНЫХ МЕХАНИЗМОВ В СЛОВАХ С ПЕРЕНОСНЫМ ЗНАЧЕНИЕМ

**Акмал Гуламжанович ЮЛДАШЕВ**

Доктор PhD

Декан факультета английского языка –1  
Узбекский государственный университет мировых языков  
Ташкент, Узбекистан  
[akmal1909@mail.ru](mailto:akmal1909@mail.ru)

#### Аннотация

В статье слова с переносными значениями анализируются с точки зрения антропоцентрической парадигмы. Когнитивные процессы, такие как концептуальная метафора, концептуальная метонимия и метафтономия, которые имеют место при образовании слов с такими значениями, были тщательно проанализированы в данной статье. Поскольку когнитивные механизмы являются относительно новыми в лингвистике, в статье даны их краткие описания. Особенности использования когнитивных механизмов в языке описываются на примере слов с переносными значениями.

**Ключевые слова:** концептуальная метафора; концептуальная метонимия; метафтонимия; когнитивная область; область-источник; область-цель.

## THE ROLE OF COGNITIVE MECHANISMS IN THE WORDS WITH TRANSFERRED MEANINGS

Akmal Gulamzhanovich YULDASHEV

Doctor PhD

Dean of the faculty of English -1  
Uzbek state University of world languages

Tashkent, Uzbekistan

[akmal1909@mail.ru](mailto:akmal1909@mail.ru)

### Abstract

In the present article, the words with transferred meanings are analyzed from the point of anthropocentric paradigm. Cognitive processes such as conceptual metaphor, conceptual metonymy, and metaphonymy which take place in the formation of words with such meanings were thoroughly analyzed. As cognitive mechanisms are relatively new in linguistics, there are given their brief descriptions in the article. The features of using cognitive mechanisms in the language are described in terms of words with transferred meanings.

**Keywords:** conceptual metaphor; conceptual metonymy; metaphonymy; cognitive domain; source domain; target domain.

Маълумни, тилшунослик фанининг структур-функционал парадигмасида сўз маъносининг кўчиши, асосан, метафорик ва метонимик йўл билан амалга ошириши ҳақида Л. Блумфильд (1968), М. Миртожиев (2010), Е. С. Кубрякова (1981), Л. А. Булаховский (1954), И. Р. Гальперин (1977), А. Шомақсудов, И. Расулов (1983), И. В. Арнольд (1990), Р. А. Сувонова (2003), С. Султонсаидова, Ў. Шарипова (2009) ва бошқаларнинг ишларида кузатиш мумкин. Диахроник семантикада метафорага сўз семантик таракқиёти усули сифатида ёндашилган. Синхрон лексикология сўзнинг кўчма маъно турларидан бири сифатида қаралган.

Сўнги йилларда тилшуносликда тил бирликларининг нафақат структур нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш балки когнитив жиҳатига жиддий эътибор қаратилмоқда. Когнитив тилшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда кўчма маънога эга бўлган сўз ясаши мавжуд тил бирликлари ифода этган билимларнинг инсон томонидан қайта англаниши орқали амалга оширилиши илмий асосини топди. С. Кубрякованинг қайд этишича, ясама сўз маъносида бир томондан когниция, иккинчи томондан коммуникация жараёни акс этади, яъни ҳар қандай ҳосил бўлаётган сўзда билимларни ихчамлаш жараёни содир бўлади (2, 407–408).

Мазкур йўналишнинг асосий тадқиқот бирлиги концептнинг мазмунан шаклланиши бир неча босқичли *когнитив механизмлар* орқали амалга оширилади. Бунинг боиси шундаки тилда кўчма маънога эга бўлган тил бирликлари ўз ўзидан тилда намоён бўлмайди балки инсон олами идрок этиш жараёнида эгаллаган билимига таянади яъни вазиятни баҳолаш, қиёслаш

орқали тафаккурида мужассамлайди сўнгра лисоний либос кийдиради. Бундай ҳолатлар когнитив механизмлар орқали амалга оширилади. Мазкур жараёнларнинг сўнги босқичи вербал ифодасига эга бўлади. Мақолада сўз ҳосил бўлишида фаол иштирок этувчи қуйидаги когнитив механизмлардан *концептуал метафора, концептуал метонимия, метафтонимия* хусусида фикр юритамиз.

Сўз ясалиши хусусан, кўчма маънога эга бўлган тил бирликлари когнитив механизмлар орқали тадқиқ қилиниши, уларнинг тил бирликлари орқали вербаллашуви муаммосини бартарф этиш, кўчма маънога эга бўлган тил бирликларида тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур соҳанинг асосий вазифаси антропоним томонидан тилни ўзлаштириш механизмлари ҳамда бу механизмнинг таркибини тизимли тасвирлаш ва тушунтиришдан иборатдир. Ҳақиқатдан ҳам, когнитив таҳлилда оламни билиш жараёнида юзага келадиган ментал тузилмаларнинг вербал ифода топишини таъминловчи механизмлар ҳамроҳидаги услуб ва воситалар тадқиқи асосий ўринга кўчади. Шу ўринда механизм сўзининг маъносига эътибор қаратиш лозим бўлади. Механизм – ички тузилиш, система маънолари айнан когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан қўл келади. Бунинг боиси шундан иборатки ҳар қандай кўчма маънога га бўлган тил бирликлари аввалом бор инсон тафаккурида босқичма босқич амалга оширилган жараёнлар самарасидир.

Англашиладики, метафора ҳамда метонимия нафақат бадийликни таъминловчи стилистик восита, сўз ясалиши тизимида ўз ўрнига эга бўлган лингвистик ҳодисалар эканлиги илмий жиҳатдан ўз исботини топган.

Тилнинг антропоцентрик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши натижасида метафора ҳамда метонимия концептуал даражада тадқиқ этила бошланди. Ж. Лакофф ва М. Жонсон метафорани оддий стилистик ифода воситаси эмас, балки концептуал лингвистик мақомга эга бўлган муҳим ҳодиса эканлигини эътироф этган ҳолда унинг янги табиатини очиқ бердилар. Уларнинг фикрича, метафоралар инсон концептуал тизимидан ўрин олгани учун тилда ифода воситаси сифатида мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, метафора тафаккурга хос, лисоний метафоралар фақат мана шу ҳодисанинг ташқи ифодасидир, “метафоралар нафақат кундалик ҳаёт, нафақат тил, балки тафаккур ва фаолиятимизга ҳам кириб боради. Бизнинг кундалик концептуал тизимимиз, бизнинг фикрлашимиз ва хатти-ҳаракатимиз ҳам ўз моҳиятига кўра метафорикдир” (5, 4).

Кўринадикки, метафора шунчаки ифода воситасигина эмас, балки тафаккур ва маданиятга алоқадор ҳодисадир. Шундай экан, концептуал метафоралар оддий маъно кўчиши натижасида ҳосил бўлган ҳосила маъно

эмас, балки инсон тафаккурида содир бўладиган мураккаб когнитив жараён натижасидир. Бу борада олиб борган кузатувларимиз шуни кўрсатдики, концептуал метафора янги ном ясалишининг энг сермахсул усули саналади. Мисол учун *Ишонмайман-у, лекин қари тулки эридан кўп нарсани яширишини биламан* (У. Умарбеков, Ёз ёмғири) жумласида қўлланилган *тулки* лексемаси ҳайвон турини англамайди балки маккор, айёр одамни ифодалайди. Муаллиф бу тил бирлигини оддийгина қўлламаган сабаби анропонимнинг концептуал тизимида оламни идрок этиш жараёнида *тулки* ҳақидаги ассоциатив билим шаклланган. Албатта бундай билим лингвистик омил орқали эгалланган яъни инсон ёшлик чоғларидан эртақ ва ривоятлардан *тулки* образи маккор инсонларни феъл атворини ифода этиши ҳақидаги билимга эга бўлган. Шу ўринда Ж. Лакофф ва М. Жонсон метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон, яъни *манба майдони* ҳамда *мақсад майдони* иштирок этишини кўрсатишади (5, 195). Уларнинг фикрича, концептуал метафоралар ортида фрейм ва сценарий ўртасидаги ўзаро таъсир кучи ётади. *Манба майдони* инсоннинг тажрибаси орқали борлиқни идрок этишидаги аниқ билимлар йиғиндисидир. *Мақсад майдони* эса нисбатан кам ойдинлашган, аниқлашган муқаррар билимдир. Масалага ойдинлик киритадиган бўлсак, метафора орқали маъно кўчиши содир бўлганда инсон тилнинг луғат таркибидаги мавжуд birlikлардан ва эгаллаган билимидан фойдаланади. Ушбу ҳолат *манба майдони* вазифасини ўтайди. *Мақсад майдони* эса инсон тафаккурида тайёр тил birlikлари орқали ҳосил қилинадиган янги ҳосила маънодир. Ушбу назариядан келиб чиқадик юқорида таҳлил қилинган *тулки* лексемасининг *манба майдони* **ҳайвон** концепти, *мақсад майдон* эса **инсон** концепти ҳисобланади. Яна бир миносол инглиз тилидаги **hellcat** (*hell* – *дўзах*, *cat* – *мушук*) ўзбек тилида *жодугар*, *иссиқ-совуқчи* маъноларига эга. Мазкур кўшма сўзнинг ясалишида **макон** концептининг когнитив майдонидан ўрин олган **hell** компонентининг *home of DEVILS* (шайтонлар уйи) асосий ўринга чиқади. Иккинчи **cat** компоненти эса **ҳайвон** концептининг когнитив майдонига мансуб бўлиб сирли инобатга олинишининг бош омили шундаки инсон ҳаёти давомида эгаллаётган билимларидан (диний) дўззах гуноҳкорларнинг макони эканлигини кимки ноҳўя хатти ҳаракатларни амалга оширса унинг борар маскани дўззах бўлишини билади. Иккинчи **cat** компонентини эса антропоним ушбу ҳайвоннинг феъл атворини инобатга олади чунки мушук табиатан сирли ҳайвон эканлиги ҳақидаги билимга эга бўлади чунки бундай хатти-ҳаракатлар ошкора бажарилмайди. Натижада **макон** ва **ҳайвон** концептлари манба майдони вазифасини ўтаса **инсон** концепти мақсад майдони саналади.

Англашиладики, метафора оламни идрок этишнинг ўзига хос воситаси, тилда янги маънони юзага келтирувчи когнитив механизмдир. Демак, метафора нафақат тил ҳодисаси, балки тафаккур ҳодисаси ҳамдир. Хусусан, тафаккурнинг ўзи метафорикдир, у қиёслаш орқали содир бўлади ва айнан шу нуқтада тилда метафора ҳосил бўлади ҳамда нафақат ифода воситаси, тафаккурнинг асосий куролидир.

Концептуал метонимия инсон томонидан ортирилган билим орқали озиқланади, концептуал метафоро нисбатан анча равшан бўлади, одатда, метонимия аниқ физиологик ёки ассоциатив кўрсатмага эга бўлади (5, 8).

Н. Н. Болдырев эса концептуал метонимиянинг бир концептнинг бошқа концептни тавсифлаш учун ишлатилиши, ўзи билан боғлиқ бўлган концепт билан, бир концептуал майдон атрофида бирлашувини (1, 102) қайд этади.

Сўз ясалишида концептуал метонимия типдаги маъно кўчишининг юз бериши хусусида В. Крофт ва Д. Крузлар икки когнитив майдонни, яъни *восита майдони* ва *мақсад майдони* ўз ичига олишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, метонимияда *восита майдонининг* вазифаси фақат *мақсад майдони* тузилишини аниқлашдан иборат (3, 193). Мисол учун ўзбек тилидаги *гурзиоёқ* кўшма сўзи думсиз амфибиялар турининг номини англатади. Инсон ушбу балиқнинг ташқи кўриниши, яъни бармоқларининг учиди тўқмоқ шакл кенг ва ёпишқоқ ёстикчалари гурзини эслатгани сабаб ном ҳосил қилишда ўхшатишга асосланади шунингдек, балиқнинг биргина тана қисми яъни оёқнинг учи билан бутун номланган бўлиб концептуал метонимия ҳодисасини кўриш мумкин. Ушбу кўчма маънонинг шаклланишида *восита майдони тана* концепти бўлса *мақсад майдони хайвон* концепти саналади.

*Метафтонимия* термини тилшуносликда илк бор Л. Гуссенс томонидан қўлланган. Олим биринчи бўлиб метонимия ва метафоранинг ўзаро туташув жараёнига эътибор қаратди ва бу ҳодисани *метафтонимия* термини билан атади. Унинг фикрига кўра, тилда ҳам метонимия, ҳам метафоранинг хусусиятини ўзида мужассам этган комплекс механизм мавжуд (4, 349–378).

Ҳозирда метафтонимия воқеликни концептуаллаштиришга хизмат қилувчи асосий механизмлардан бирига айланди. Л. Гуссенс метафтонимиянинг икки асосий турини фарқлаган. Булар: 1) метонимиядан келиб чиқадиган метафора (*metonymy within a metaphor*); 2) метафорада мужассам бўлган метонимия (*metaphor from metonymy*). Ўзбек тилидаги *бўриқалла* кўшма сўзи ушбу когнитив механизм орқали юзага келганлигини кўриб чиқамиз. Қовун турларидан бирини маъносини англатади. Инсон ушбу ўсимликни номлашда оламни идрок этиш жараёнида эгаллаган билимига таянган ҳолда амалга оширган. Шунингдек инсон тафаккурида



концептуаллашган ва категоризациялашган концептларнинг вербаллашуви асосида амалга оширилган. Мазкур кўшма сўзининг *бўри* компоненти **хайвон** концептининг когнитив майдонидан, *калла* компоненти **тана** когнитив майдонидан ўрин олади. *Бўрикалла* кўшма сўзининг ясалишида тана қисмини англатувчи *калла* компонентида метонимик маъно кўчган бўлса *бўри* компоненти метафора асосида юзага келган бўлиб метафтонимия когнитив механизми фаоллашган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ўз-ўзидан номламайди, балки аташ амалини ўз билимига таянган ҳолда амалга оширади. Когнитив тилшуносликнинг вазифаси мазкур билимларнинг тилда акс эттиши муаммосини ўрганишдир. Бунда инсон тафаккурида категориялаштирилган билимлар муҳим роль ўйнайди. Инсон янги ном ҳосил қилишда концептуал механизмларга мурожаат қилади, у орқали лексик бирликларда янги ҳосила маънони юзага келтиради. Кўчма маънога эга бўлган сўзлар ҳам концептуал механизмлар орқали ҳосил қилинадиган лексик бирликлардир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Болдырев Н.Н. Когнитивная лингвистика. Введение в когнитивную лингвистику. – Тамбов: ФГБОУ ВПО Тамбовский государственный университет имени Г.Р.Державина, 2014. – 236 с.
2. Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – Москва: Языки Славянской культуры, 2004. – 560 с.
3. Croft W. and D. Alan Cruse. Cognitive Linguistics. – New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004 – 374 p.
4. Goossens L. the Interaction of metaphor and metonymy in expressions for linguistic action // Metaphor and Metonymy in Comparison and Contrast. – Berlin; New-York: Mouton de Gruyter, 2002. – pp. 349–378.
5. Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by. 2-nd edition. – The University of Chicago Press, 2003. – 256 p.

#### REFERENCES

1. Boldirev N.N. *Kognitivnaya lingvistika. Vvedeniye v kognitivnuyu lingvistiku* (Cognitive linguistics. Introduction to cognitive linguistics), Tambov: FGBOU VPO Tambovskiy gosudarstvenniy universitet imeni G.R.Derjavina, 2014, 236 p.
2. Kubryakova Y.S. *Yazik i znaniya* (Language and cognition), Moscow: Yaziki Slavyanskoy kulturi, 2004, 560 p.
3. Croft W. and D. Alan Cruse. Cognitive Linguistics, New York: Published in the United States of America by Cambridge University Press, 2004, 374 p.
4. Goossens L. *Metaphor and Metonymy in Comparison and Contrast*, Berlin; New-York: Mouton de Gruyter, 2002, pp. 349–378.
5. Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by, The University of Chicago Press, 2003, 256 p.